

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг кайфияти (13-дарс)

05:00 / 09.01.2017 3290

13-дарс

18-Матн:

Аввал икки тиззаларини кейин икки қўлларини сўнгра пешоналарини ерга икки кафтлари орасига қўядилар.

18-Матннинг далиллари:

عَضَيْ دَجَسَ إِذِ مَسَّ وَ هِيَ لَعْلَلِ لِي لَصَّ لَلِ لُؤْسَ رُتَيْ أَرَلِ لَاقِدُ حُجَّ نَبَلِ لِي أَوْ نَع-١
هِيَ تَبْ كُرَّ لَبَقْدِ هِيَ دِي عَ فَرَضَ هَنَ إِذِ أَوْ هِيَ دِي لَبَقْدِ هِيَ تَبْ كُرَّ

1. Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қачон сажда қилсалар икки тиззаларини қўлларидан олдин (ерга) қўяётганларини ва қачон турсалар қўлларини тиззаларидан олдин кўтарганларини кўрдим”. Термизий ривояти. 1/36.

Бу ҳадис саждага боришда икки тиззани қўллардан олдин қўйишга ва саждадан туришда эса икки қўлни тиззаларидан олдин кўтаришга далолат қилади. Шавканий “Найлул автор”да айтади: “Жумхурнинг мазҳаби ҳам шудир”.

Бу ҳадисдан қуйидаги фойдаларни олиш мумкин:

Намозхон саждага боришда аввал ерга яқин аъзоларини қўяди. Туришда эса аввал ердан узоқ аъзоларини кўтаради. Демак саждага боришда дастлаб икки тизза, кейин икки қўл, кейин бурун сўнгра пешона ерга қўйилса, туришда эса дастлаб пешона, кейин бурун, кейин қўллар сўнгра тиззалар кўтарилади.

رَبِّكَ - مَسَّ وَ هِيَ لَعْلَلِ لِي لَصَّ لَلِ لُؤْسَ رُتَيْ أَرَلِ لَاقِدُ حُجَّ نَبَلِ لِي أَوْ نَع-٢
طَحَّنَا وَ عَضُومَ يَفُ هُنَّ مَلَّ صَفَمُ لُكُ رَقَّتْ سَا يَّ حَ عَكَرُّ مَثُ هِيَ نُنْدُ أَيْ مَاهُ بَابُ يَذَاحَ ف
هِيَ دِي هَاتَبْ كُرَّ تَقَبَّ سَا يَّ حَ رِي بَابُ تَلَابُ

2. Осим Аҳвал Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг такбир айтиб икки бошбармоқларини

Муттафақун алайҳ. (Булуғул Маром 1/50).

ترملم رمت أن تدارأمة مهب أن ولف هيدي فاج دجس اذناك بي بن ل أن ة نوم يم ن ع-٢

2. Маймуна розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (саждада) икки қўллари орасини очардилар. Агар бирор ҳайвон ўтмоқчи бўлса, албатта ўтарди”. Муслим ривояти.

20-Матн:

Қоринлари сонларидан узоқлашган бўларди.

20-Матннинг далиллари:

لم أح ز يغ ه ذ ح ف ن ب ج ر ف م ل س و ه ي ل ع ل ل ل ا ل ص د ج س ا ذ ا و : ل ا ق د ي م ح ي ب أ ن ع-١
ه ي ذ ح ف ن م ع ي ش ي ل ع ه ن ط ب

1. Абу Хумаид розияллоҳу анҳу айтади: “У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон сажда қилсалар сонларидан ҳеч ерини қоринларига тегизмаган ҳолда сонлари орасини очардилар”. Абу Довуд ривояти. (Эълоус Сунан 3/31).

21-Матн:

Саждалари камида уч марта: “Субҳана Роббиял Аълаа”, дер эдилар. Сўнгра бошларини биринчи саждадан кўтарар эдилар. Ростланиб ўтирардилар ва: “Роббиғфирлий, варҳамний, важбурний, варфаъний, варзуқний, ваҳдиний”, дердилар.

21-Матннинг далиллари:

ةالص و، اهنع ل ل ل ا ل ي ضر ة نوم يم ه تل ا خ دن ع ه تي بم ث ي د ح ي ف س ا ب ع ن ب ا ن ع-١
ن م ه س ا ر ع ف ر ا ذ ن ا ك و : ل ا ق ه ر ك ذ ف ل ل ل ل ا ي ف م ل س و ه ي ل ع ل ل ل ا ل ي ص ب ن ل ل ا
ي ف و " ي ن ذ ه ا و ي ن ق ز ر ا و ي ن ع ف ر ا و ي ن ر ب ج ا و ي ن م ح ر ا و ي ل ر ف ع ا ب ر " : ل ا ق ة د ج س ل ل ا
ن س ح د ا ن س ا و " ي ن ف ا ع و " د و ا د ي ب ا ة ي ا و ر

1. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо холаси Маймуна розияллоҳу анҳонинг олдиларида ётиб қолиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тунги намозларини зикр қилади: “У зот қачон бошларини саждадан кўтарсалар: **“Роббиғфирлий, варҳамний, важбурний, варфаъний, варзуқний, ваҳдиний”,** дердилар”. Абу Довуднинг ривоятида: **“Ва аафиний”,** деганларини айтилган. Ҳадиснинг санади ҳасандир.

Икки сажда орасида айтиладиган бу зикр таъкидланган суннат эмас, балки мустаҳаб амалдир.

بر : نيت دجسلا نيب لوقى ناك ملسو وهى لع لى ص يبن لى نأ : ة في ذح نعو
يلرفغا

2. Бизга Алий ибн Муҳаммад айтиб берди, бизга Ҳафс ибн Ғиёс айтиб берди. У Аъмашдан, у Саъд ибн Убайдадан, у Муставрид ибн Аҳнафдан, у Сила ибн Зуфардан, у Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки сажда орасида: **“Роббиғфирлий, Роббиғфирлий”**, дер эдилар”. Ҳадиснинг барча риждоллари сиқалардир.